

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 24  
(531)  
2007 йил  
19 июнь  
сешанба

Ҳар бир миллатнинг, давлатнинг ўзига хослигини ифода-  
лаб турувчи, мустақиллигини тасдиқловчи рамзлари бўла-  
ди. Маълумки, байроқ, мадҳия, герб давлатнинг рамзлари  
ҳисобланади.

Дарҳақиқат, кўп минг йиллик тарихимиздан маълумки,  
буюк бобоқалонларимиз — Соҳибқирон Амир Темур, Султон  
Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур раҳнамолик  
қилган мамлакатлар ҳам ўз давлат рамзлари — ўз байроғи,  
миллий нули, герб, яъни, тамғасига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
герби қабул қилинганлигининг  
15 йиллиги олдида

## ОЗОДЛИК ТИМСОЛИ

У ҳар бир ватандошимизнинг  
ўзлиги, ғурури ва ифтихоридир

1992 йил 2 июль санаси  
мустақил мамлакатимиз тарихининг  
ёрқин саҳифасини беизади. Айнан шу  
сананда Ўзбекистон Республикасининг  
«Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат герби тўғрисида»ги Қонуни қабул  
қилинди ва шу қонуннинг 1-моддасига  
асосан Ўзбекистон Республикаси  
Давлат герби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби —  
мустақил мамлакатимиз Давлат рами-  
зи сифатида Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 5-моддасида эъти-  
роф этилди ва ўзини шу муқаддас  
Ватан фарзанди, деб билган ҳар бир  
ватандошимиз қалбига теран кириб  
борди.

Биз Ўзбекистон Республикаси Давлат герби билан  
фахрланамиз, унга таянамиз. Уни давлат  
мустақиллигининг рамзи сифатида  
Ўзбекистон Республикасининг давлат  
чегараларига ҳам ўрнатилиши беизиз  
эмас. Чунки, у бизнинг овоз ва обод  
юртимиз мустақиллиги, чегара бутунли-  
ги, мамлакатимиз куч-қудратининг  
рамзидир.

Қолаверса, унда гуллаган  
водий узра нур сочаётган  
кўёш тасвирланган. Бу заминимизнинг  
серкўёшлигига, нури-нурафшон манзил-  
ларига ишора. Баланд тоғларро  
шоғуллаб оқабган дарёлар — ҳаёт  
боқийлигидан, гербнинг сўл томонидаги  
буғдой тасвири ризқ-рўзимиз  
бутунлигидан, ўнг томонидаги пахта  
сураги тасвири чамбар юртдошларимиз  
қалби, нияти поклигидан, бекиёс  
миллий бойликларимиздан далолат.

Гербнинг юқори қисмида  
мамлакатимиз жипслигининг  
рамзи сифатида саккиз қиррали  
юлдуз тасвирланган. Мазкур  
мусамман ичда жойлашган ярм  
ой ва юлдуз халқимизнинг имон-эътиқоди-  
га хос кутлуг

рамзлардир. Гербимиз марказида эса  
ҳиммат, олижаноблик тимсоли бўлган  
афсонавий Хумо қуши қанотларини  
ёзиб, парвозга шайланиб тургани  
ифодаланган. Бу ҳам халқимизга хос  
эзгу умидлар ифодасидир. Зеро,  
элимиз Хумони азал-азалдан бахт ва  
давлат қуши сифатида тасаввур этиб  
келган. Тамғамиздаги ушбу рамз ва  
тимсоллар халқимизнинг тинчлик,  
эзгулик, бахт-саодат, тўкинчилик,  
фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини  
ўзида намойён этади. Гербнинг  
пастки қисмидаги мамлакатимиз  
Давлат байроғини ифодаловчи  
чамбар бандига зарҳал қарфлар  
билан «Ўзбекистон» сўзи битилган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таърифлаганидек,  
давлатимиз рамзлари — байроқ,  
герб, мадҳия, Ўзбекистон халқларининг  
шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси  
ва интилишларини ўзида мужас-  
самлаштиради, мана шу рамзларни  
эъзозлаш ўзининг, ўз мамлакатининг  
қадр-қимматини билган ҳар қайси  
инсоннинг муқаддас бурчидир.

Дарҳақиқат, Давлатимиз раҳбарининг  
бевосита раҳбарлигида қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси Давлат герби  
халқимизнинг тарихи, бугуни ва кела-  
жати тимсолидир. Уни эъзозлаш,  
авлодларга етказиш, ўзлигини,  
миллийлигини англаган биз ўзбек  
халқининг, мамлакатимизда яшовчи  
ҳар бир фуқаронинг муқаддас  
бурчимиздир.

У барчамизнинг қалбларимизда  
фахр туйғусига айланиб, юртимиз  
тинчлиги ва мустақиллигимиз абадийли-  
ги рамзи сифатида ҳар доим  
муҳрланиб қолсин.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,  
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

## 2007 йил — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ

Ёш оилаларнинг барқарор даромад манбалари шакллантирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда

Юрт ободлиги халқ фаровонлиги, кишилар кўнглидаги хотиржамлик, оиладаги осойишталик билан чамбарчас боғлиқ. Ўз халқи бахт-саодати, келажagini ўйлаб қайғурган, бу борада барча имкониятларни ишга солган давлат, бир сўз билан айтганда, инсонпарвар жамиятдагина одамлар ўз келажagini, бахт иқболи, эртанги нури манзилларига ишонч билан қарайдилар. Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони юзасидан кўнгли фахр-ифтихорга тўлган юртдошларимиз тижиратимизга мавнадорчилик мактублари йўллашмоқда.



### МУСТАҚИЛ ҲАЁТ САҲИФАСИ

Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони шарофати билан кекса-ю ёшнинг ҳаётига янги орзу-умидлар кириб келди. Фирқимизни Акционерлик тижорат «Ипотека банк» Навоий вилояти филиалининг иқтисодий таҳлил, корпоратив мижозларни кредитлаш ва кичик бизнес бўлими бошлиғи Нормурод Бердиевнинг қуйидаги гаплари ҳам тасдиқлайди:

— Банкмиз 18 минг 430 нафар мижозга хизмат кўрсатади. Улар орасида фермерлар, кичик бизнес эгалари, хусусий тадбиркорлар, омонатчилар, хуллас, барча соҳа эгалари бор. Президентимизнинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилингандан сўнг бизга мурожаат қиладиганлари сони тобора кўпаймоқда.

Жорий йилда ёш оилаларга 380 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиб режалаштирилган бўлиб, шундан 200 миллион сўми ипотека кредитлари, яъни, уй-жойлар учун, 30 миллион сўм истеъмол кредити учун, 150 миллион сўми эса микрокредитлар сифатида берилиши кўзда тутилган. (Давоми учинчи бетда)

Маълумки, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 декабрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2007 йил 29 март куни маъқулланди. 2007 йил 28 апрель куни матбуотда эълон қилинди.

## Қонуннинг моҳияти Иқтисодий тараққиёт кафолати

Мазкур Қонун Президентимизнинг 2006 йил 7 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг 8-банди ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган. Унда мамлакат солиқ ва бюджет сибёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йил учун Давлат

бюджети лойиҳаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан Вазирлар Маҳкамасига ва Олий Мажлисга киритиш тартиби белгилаб қўйилган.

2-бет

### Tadbirkorga to'siq bo'lmang!

## «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

НОҚОНУНИЙ АРАЛАШУВЛАР  
БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги вилораларида жорий этилган ишонч телефонлари мунтазам ишлаб турибди. Ҳозирда тадбиркорлар билан муносабатта киришувчи, улар фаолиятини назорат қилувчи ҳамда уларга хизматлар кўрсатувчи барча давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари биноларининг тадбиркорларга кўриниши кўлай бўлган жойларга Адлия органларининг ишонч телефонлари ҳақидаги эълонлар берилган.

Йил бошидан буён ушбу ишонч телефонларига 800 нафардан ортиқ тадбиркордан мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг аксарияти асосли деб то-  
пилди ва мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқлари тикланди, қолганларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.  
Жумладан, Адлия вазирлигининг «Ишонч телефони»-



га Хоразм вилояти Хазорасп туманида фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркор С.Содиқова кўнгирак қилиб, савдо мақсадида олиб келадиган моллари

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходимларининг аралашуви натижасида солиқ ходимларининг ноқонуний ҳаракатига чек қўйилди ҳамда тегишли чора кўриш учун вилоят солиқ бошқармасига маълум қилинди. Шунингдек, «Ишонч телефони»га Фаргона вилоят Ўзбекистон тумани «Ихтисослаштирилган автомашина» бозори очиб акциядорлик жамияти раиси М.Алимов мурожаат этиб, жамиятнинг тугатиш буйича туман ҳокимининг 2007 йил 19 февралдаги 143-сонли қароридан норозилигини билдирди.

Адлия органи ходимлари томонидан ушбу мурожаат ўрганилиб, туман ҳокими томонидан чиқарилган мазкур қарор бекор қилиниши лозим, деб топилди ва Ўзбекистон тумани ҳокими номига тақдирнома киритилди. Тошкент вилояти, Уртағирчиқ туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан тўхтайтилиб, мусодара қилинаётганлигидан норозилигини билдирди.

2-бет

<p>УШБУ СОҒДА</p> <p><b>2</b> ҲАР СЎРОВНИНГ ЖАВОБИ БОР</p>	<p><b>Парвосизлик</b></p>	<p><b>3</b> КЎПНИНГ ДУОСИ ҚЎЛЛАЙДИ</p>	<p><b>4</b> Тубанлик</p>	<p>УСТОЗ ИМЗОСИ</p>
--	---------------------------	--	--------------------------	---------------------



Одамгарчилик

ХАЛҚ ҲАЁТИ, ТУРМУШ ТАРЗИ, ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР ДАДИЛ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони юрtdошларимиз шоду хуррамлик билан кутиб олдилар

КўПНИНГ ДУОСИ ҚўЛЛАЙДИ

Халқимизда: «Мен бола-ни ўйлайман, болама бола-сини», деган гап бор. Бу бегизга айтилмаган. Ешим 74 да, 6 ўғил ва 2 қизи тарбиялаб, воёга етказдим. Минг қатла шукри, уларнинг ҳам-маси ўғли-жойли. 28 неварам, 17 эварам, 10 нафар чеварам бор. Хар йили невараларим-дан қайсидир бирининг тўйи ўтади. Шундай пайтда она ба-рибир она экан-да, гоҳида тўй қилаётган ўғлим ёки қизимни қўйналиб қолмадимкин, деб ташвишга тушаман.



Санобар ая НОМОЗОВА, Самарқанд тумани «Қозинарик» маҳалласи

Президентимизнинг Фармо-нини эшитиб, кўнглим тоғдай кўтарилди. Қадимда иймонли, эътиқодли ота-боболаримиз ёш оилани гул каби асраб-авайлашган. Ёшлар ўртасида меҳр, оқибатни сақлашга ҳара-кат қилишган. Оиладаги тотув-лик, қудалар ўртасидаги иззат-

Яқин кунларда никоҳ тўйим бўлади. Фармони ўқиб, эрта-индин рўзғор ташвишлари бошима тушадиган кунлар арафасида биз ёшларга қилинган баҳоси йўқ ғамхўрликдан кўнглим ғурурга тўлди.

Кўнглим ғурурга тўлди

Хар бир бўлажак келин ўзининг алоҳида уй-жойи бўлиш нияти билан яшайди. Шу нукта назардан олиб қараганда, давлат то-монидан ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ҳамда микрокредитлар шаклида маблағлар бериш тўғрисидаги ушбу Фармон ҳаётга бўлган таълиқлаш-ларим, орауларининг қанот қоқишига турт-ки бўлди, десам хато бўлмайди.

кредит олишдаги ҳужжатлар ичида биз-нес-режалар тайёрлашда ходимларимиз-га амалий ёрдам кўрсатилаётганини ало-ҳида таъкидлашни истардим. Боғчамизда меҳнат қилаётган барча ёшлар алоҳида рўйхатга олинди. Фармондан келиб чиқа-диган вазифаларнинг дастурлари тайёр-ланди. Ходимларимиз орасида ушбу ғам-хўрликнинг нақадар муҳим эканлиги бо-расида тушунтириш ишлари олиб бора-ямиз.

Дилдора ЗИЁДУЛЛАЕВА, Бойсун туманидаги «Калдирғоч» болалар боғчаси тарбиячиси

Ёш оилаларнинг меҳнат фао-лиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида зарур ёрдамлар кўрсати-либ, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўзда ту-тилган.

Маънавият мактаби

Ҳаётимизни фарзанд-ларимизга баҳишда этаким. Умр бўйи меҳнат қилиб, уларни уйли-жойли қилиш ташвиши билан яшаймиз, мисқоллаб йиққан-терганимизни фарзандларимизнинг тўйига сарфлаймиз. Ахир, ўзбекининг нимаси кўп, тўй-шашаи кўп. Тўғриси, бу «ширин» ташвишлар-нинг юки, айниқса, серфарзанд, кам таъмин-ланган оилаларга оғир келади. Бу ҳужжат ёш оилаларга моддий ва маънавий рағбат, ота-оналарга мадад ва руҳий қувват берди.



Гулчехра АЗИЗОВА, Яқкасарой туман ФХД мудираси

ни яқиндан таништиришни бурч ва виждон амри, деб билдик. Суҳбат жараёнида уларнинг юз-кўзларида бал-қуған севинч, фахр-ифтихор ва ҳуқуқимизга бўлган миннатдорчилик туйғуларини сўз билан таърифлашга ожизимиз. Ватан остонадан, элу юртга муҳаббат ва садо-қат оилалар бошланади. Ёш оилаларнинг ижтимоий ва маънавий камол топиши учун хизмат қилувчи мазкур Фар-мон ёшларда ота-оналарга иззат-икром, миллий қадри-ятларимизга муҳаббат ва эhti-рои, ўзаро меҳр-мурувват каби туйғуларни шакл-лантиришда муҳим аҳамият-га эгаллиги билан ҳам беба-ходир.

Абдулмалик ЖИЯНБЕКОВ, олий тоифали ўқитувчи, Янгийўл тумани

Хайрли ва савоб иш

Фармонда ёш оилалар-ни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, даромад-ларини шакллантириш механизмларини ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва мансий шaroитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар, имтиёзлар аниқ белгиланган.



Гулчехра АЗИЗОВА, Яқкасарой туман ФХД мудираси

Шунингдек, ушбу ҳужжатда бир қатор имтиёз ва тадбир-лар назарда тутилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш) уй ҳўжа-лигини йўлга қўйиш, мебель ва узоқ муддат фойдаланадиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш учун оилаларга имти-ёзли ипотека ва истеъмол кре-дитлари, микрокредитлар бе-риши учун тижорат банклари то-монидан 2007 йил 50,0 милли-

ард сўм ажратилган. Ёш оила аъзоларининг шах-сий уй-жой қуриш ёки кўп қаватли уйдаги хонадонни таъ-мирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ҳамда улар бўйича ҳўсблан-ган фойзаларни қоплаш учун йўналтирилган даромадлари, шу жумладан, хўжалик субъек-ти — иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олган маб-лағлари даромад солиғидан озод қилиниши ёшларга бе-риладиган катта имтиёздир.

Оиламиз билан давлатимизнинг маънавий қўллаб-қувватлаши, иқтисодий муаммоларимизни ижобий ҳал этишда ёқадими бўлишини ҳамisha ҳис этиб келамиз. Биз турмушимиз довомида ёш оилаларга хос бўлган барча ижобий фаолиятларни, қариндош-уруғчилик, давлат ва халқ ишига сиққидилдан ёндашиш, эл-юртга муносиб фарзанд бўлиш ва лойиқ фарзанд ўстириш каби халқимизнинг азалий удуларига содиқ ҳўда яшашмоқдамиз.

Муқаддас даргоҳ

Бозор иқтисодиёти шароитида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун мам-лакатимизнинг хар бир ҳудудида янги иш ўринлари очилиши, ёшларни кичик биз-нес ва тадбиркорликка фазл жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини таш-кил этиш учун микрокредитлар ажрати-ши, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар олиш асосида меҳнат билан бандлиги-ни таъминлаш ва ёш оилаларнинг бар-қарор даромад манбаларини шаклланти-риш учун зарур шароитлар яратили-моқда.



Камолитдин ЖАЛОЛИДДИНОВ, Андижон шахри

Айниқса, биз каби ёш оилаларни иж-тимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкларимиз томонидан им-тиёзли кредитлар ажратилаётганлиги юқоридagi факларимизнинг далилидир. Мен ҳам шу кунларда Андижон вилоят «Микрокредитбанк»дан ушбу Фармон тўғрисидаги ўз оиламизнинг иқтисодий таъминотини яхшилаш учун кредит пул маблағларини олиш арафасида ту-рибман.

Бир сўз билан айтганда, оила муқаддас даргоҳ, давлат таян-чи, уни ҳамisha асраш, шаънини ҳўмоя қилиш хар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Ташвишлар ордта қолди

1978 йилда Ховос туманидаги «Янги-ер» хўжалигида туғилганман. Ҳозирда Тошкентда — Ўзбекистон Миллий уни-верситетининг ҳуқуқшунослик факультетида тахсил олаётиман. 2000 йилда уйланганман. Оилада тўрт фарзанд-миз. Ота-онам, укаларим, синглим ва турмуш ўртоғим Ховосда исти-қомат қилишадим. Мен эса пой-тахтда талабалар турар жойида яшайман.



Санжар РАХМАТУЛЛАЕВ, талаба

Одатда ўзбекчиликда укалар уйланганидан сўнг акалар рўзгорини алоҳида қилишадим. Ховлимиз бироз тор бўлгани-ги учун мен ҳам бу «одатдан» бўйин товлаётиман. Бу ёғи талабалик... мустақил равишда уй олишга эса иқтисодий имко-ниятим йўқ. Бошим қотиб қолди. Қолаверса, яқинда фарзандлик бўламиз.

Энди менинг кўнглим хотиржам, олий дар-гоҳда бемалол ўқийман. Аввалги ташвишлар чекинди. Эртага ўқиниши битирга, етук ҳуқуқшунос бўлиб, халқимга, давлатимга, Пре-зидентимга сиққидилдан хизмат қиламан, дея дилимга тугиб қўйганман.

Президентимизнинг «Ёш оила-ларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мен ка-билларимиз «дард»га дармон бўлди. Мен ва оилам энди Фармонда таъкидланганидек, истеъмол кредитлари олиш йўли билан, ав-вало, уй-жой қуришни, унга керакли хижо-ларни сотиб олишни режалаштирдик ва ҳозирда айнан шунинг ҳаракатидаман.

Ғамхўрлик намунаси

Жамият келажаги ёшлар қўлида. Шундай экан, давлатимиз ва Юрtdошларимизнинг асосий эътибори ёшлар ҳаёти, уларнинг соғлом турмуш тарзи, моддий ва маъна-вий камолотига қаратил-ганлиги айна мўддао ва тахсинга лойиқ.

Кўпчилик ёш оилалар қатори Урганч шахрида истиқомат қилувчи Ибодул-ла Бобожоновлар хонадони ҳам Фармон ҳосиятидан баҳраманд бўлаётти. Ушбу хонадонда истиқомат қилувчи Ибодулла ва унинг синглиси тақдир «ўйин»лари оқибатида ота-онасиз қолиб кетишган. «Камолот»чилар аввалги Ибодулланнинг коллежда намунали ўқини учун ғамхўрлик қилишди. Президентимиз Фармони дилдаги эзгу туйғуларини янада жўш урдирди. Натихада қалбимизда яна бир эзгу фикр уйғонди. Шу ердаги маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамжиҳатлик-



Ибодулла Бобожоновлар хонадонини таъмирлаш ва уларнинг таъминоти учун «Камолот»чилар томонидан ажратилган маблағлар билан бир қатарда уларнинг таъминоти учун «Камолот»нинг Юрtdошларимиз Фармонини одамлар ўртасида кенг тушунтириш ва тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган фаолияти вилоятнинг барча шахар ва туманларида қизгин давом этаётти. Шу муносабат билан Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши ва ташкилотимиз томонидан ўзаро ҳамкор-ликда Урганч шахридаги касб-ҳўнар коллежлари битирувчилари билан ўтказилган учрашув янада

мароқли ва таъсирчан бўлди. Шахсан ўзим Урганч туманидаги Қоромон, Шовот туманидаги Қангли ва Чўкли кишлоқларида уюштирилган маданий-маърифий тадбир-ларда иштирок этиб, ёшлар ва ақолининг бошқа қатлам-лари вакилларига давлатимиз раҳбари Фармонидан кўзда тутилган ижтимоий ва маънавий мадад миқдослари, имтиёз ва эркинликлар ҳақида сўзлаб бердим.

Бу — ҳали бошланғичи. Йўлбошимизда даъвати қалбларимиздаги баррикентлик, мадад ва хиймат туйғуларини ортти-ришга яна бир туртки бўлди. Ва, барчамизнинг зимма-мизга ёшлар турмуши, камолоти масалаларига гоғтда жиддий муносабатда бўлиш, мадад, хиймат, ғамхўрлик ва раҳнамолик тадбирларини янада кучайтириш, бу хайрли

МУСТАҚИЛ ҲАЁТ САҲИФАСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

— Менга эса, — дея суҳ-батга қўшилади Навоий шах-ридаги «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқо-мат қилувчи Фаҳриддин Ҳожиёв, — ҳовли қуриш учун маблаг керак эди. Чунки, отам мен тўққиз ёшлигимда автохалокат туғайли олам-дан ўтиб кетганлари учун беш нафар фарзандни тар-биялаб воёга етказиш, ўқитиш, уйли-жойли қилиш ёлғиз онамнинг зиммасида қолган. Онам Момогул Баҳ-ромова 25 йилдан буюн Навоий кон-металлургия комби-натининг 79-монтаж-қурилиш бошқармасида фаррош бўлиб меҳнат қиладилар. Пенсияга чиққан бўлишлари-га қарамастан, «Сени уйли-жойли қилгунча ишлашим ке-рак», — деб ҳамон ишлап-тилар. Мен ҳам онам хизмат қилаётган корхонада 6 йил-дан буюн электромонтажчи бўлиб ишлаётиман. Яқинда



Суратда: Навоий шахридаги «Бунёдкор» маҳалласи-да истиқомат қилувчи Момогул Баҳромова фарзанд-лари билан

уйландим. Турмуш ўртоғим Гулнозаҳон вилоят тез тиб-бий ёрдам маркази жаррох-лик комплексида ҳамшира бўлиб ишлайди. Президен-тимизнинг мустақил ҳаётимизга саҳифа очган янги Фармонининг қабул қилин-



Ernazar ДУСОНОВ, Нукус шахри

Олий ўқув даргоҳини та-оммалаб, ҳуқуқшунос сифа-тида фаолият бошлаганим-га кўп бўлгани йўқ. Яқин-да оила қурдим. Ёшларим, ёш авлодни

Эътибор

ҳимоялашга, қўллаб-қувват-лашга қаратилган чора-тад-бирлар мамлакатимизда энди бошланаётгани йўқ. Мустақил-ликнинг илк йиллариданоқ ҳуқуқимиз томонидан соғ-лом авлодни воёга етказиш, соғлом оилавий муҳитни юза-га келтиришга кенг эътибор қаратилди. Бу эзгу мақсадлар-нинг ҳуқуқий асоси Ўзбеки-стон Конституциясида мустах-камлаб қўйилган.

Шунингдек «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун орқали ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият ва давлат манфаатлари йўлида тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий жиҳатдан шароитлар яратиш қарорланган.

Хушхабарнинг қаноти бор, деганлари рост экан. Эрта-лаб чойхона ёнидан ўтиб ке-таётсам, сўрида ўтирган бир ғуруҳ отахонлар «Рустамжон, яқинда уйланган эдинг-а, бо-лам, сен кабиларга яна худо берди, қани энди биз ҳам қирчиллама йигит бўлиб қол-сак...», дея аския қилишди.

Эҳтиром

Хар бир инсоннинг қалбида эзгу ният-лар, оидин тилаклар жўш уриб туради. Бу — ҳаётда ўзи орзу қилган касбнинг етук мутахассиси бўлиш, ўзининг уй-жойига эга бўлиш, оила қуриш, фарзандлар қўриш ва, албатта, уларни хар томонла-ма етук қилиб тарби-ялашдан иборатдир.



Нарғиза ДОСЧАНОВА, Хоразм вилояти, Шовот тумани

Бу тилакларни амал-га ошириш табиийки, ўз-ўзидан бўлмайди. Чунки, бу масалалар ечимини моддий таъми-нотта ҳам бориб тақа-лади.

Энди мақсадимга эришаман

Мен ўзим эшик, ром ясайдиган дуррадгор устаман. Турмуш ўртоғим Мавлудаҳон Қўқон педагогика ин-ститутини талабаси. Эндигина муста-қил ҳаётга қадам қўйдим. Ҳозирча ота-онамиз қарамоғида яшаб ту-рибмиз. Келажакда ўзимнинг хусу-сий устaxonам бўлишини илгаридан орзу қилиб юрардим. Энди юрtdошларимизнинг ғамхўрликлари ту-ғайли орзуимга тезроқ эришади-ган бўлдим. Мен орзуимга, ўз ол-димга қўйган мақсадимга, албат-та, эришишимга ишончим қомил.

Рустамжон РЎЗМАТОВ, Ўзбекистон тумани, Деҳқонобод кишлоғи

Эл дилидаги гап

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деб белгилаб қўйилган.

Давлат дастурига мувофиқ қабул қилинган «Ёш оилалар-ни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони-нинг қабул қилиниши айна шу масаланинг ечимини ва ёшларимизга нисбатан юксак эҳтиром намунаси-дир, десак янглишмаймиз.

Бундай эътибор ва имтиёз биз каби ёшларнинг қал-бидagi меҳр булоқларини мавжлантиради.

Хар гал ёш келин-ку-ёвларга никоҳ ғувчо-масини тақдим этар эканман, юқоридagi пур-маъно сўзларни тез-тез тилга оламан. Ҳа, оила — муқаддас маъво! Уни ҳеч нарса билан қиё-лаб ёки алмаштириб бўлмайди. Инсонпарвар-лик тамойиллари бош мезон бўлган қонуний-гимизда ушбу — яна бир муҳим ҳужжатнинг ҳаёт-га татбиқ этилиши иж-обий маънодаги тарихий воқеа бўлди.



Лола МУРОДОВА, Сирдарё вилояти, Бойвот тумани ФХД бўлими мудираси

Қолаверса, «Ижтимо-ий ҳўмоя йили» дея ата-лаётган кулгў — 2007 йилда авалга оширила-ётган хайрли ишларимиз сал-моғи бу Фармон тўғриси яна-да ортди.

Туманимизда 120 минг аҳоли истиқомат қилса, улар-нинг 83 фоизини ёшлар қат-

